



O'ZBEKISTON
YOSHLAR ITTIFOQI
MUKOFOTI
2018

**“Ўзбекистон ёшлар иттифоқи мукофоти” тўғрисида
НИЗОМ**
(янги таҳрир)

1. “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи мукофоти” (кейинги ўринларда – Мукофот деб юритилади) йил давомида давлат ва жамият ҳаётининг турли жабҳаларида фидокорона меҳнат қилаётган, соҳа ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган, ватанпарвар ёшларни рағбатлантириб бориш мақсадида таъсис этилади.

2. Мукофот 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган ёшларга қуйидаги номинациялар бўйича ҳар йили бир марта берилади.

I. Ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида (жами 3 та):

1.1. “Йилнинг энг яхши Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ходими”;

1.2. “Йилнинг энг фаол ҳуқуқ тарғиботчиси”;

1.3. “Йилнинг энг яхши Ўзбекистон ёшлар иттифоқи маҳаллий Кенгаши раиси”.

II. Иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги соҳасида (жами 3 та):

2.1. “Йилнинг энг яхши ёш тадбиркори”;

2.2. “Йилнинг энг яхши ёш фермери”;

2.3. “Йилнинг энг яхши ёш ҳунарманди” номинациялари бўйича.

III. Фан-таълим ва ижтимоий соҳада (жами 5 та):

3.1. “Йилнинг энг яхши ёш ихтирочиси”;

3.2. “Йилнинг энг яхши ёш олими”;

3.3. “Йилнинг энг яхши Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилот етакчиси” (вазирлик ва идоралардаги етакчилар кенгаши - 1 та, таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилоти - 1 та);

3.4. “Йилнинг энг яхши “Камалак” сардори” номинациялари бўйича.

IV. Санъат, маданият, журналистика ва спорт соҳасида (жами 6 та):

4.1. “Йилнинг энг яхши ёш актёри”;

4.2. “Йилнинг энг яхши ёш кўшиқ ижрочиси”;

4.3. “Йилнинг энг яхши ёш ижодкори”;

4.4. “Йилнинг энг яхши ёш журналисти”;

4.5. “Йилнинг энг яхши ёш блогери”;

4.6. “Йилнинг энг яхши ёш спортчиси” номинациялари бўйича.

3. Мукофотга тавсия этилган номзодлар орасидан муносиблари топилмаган тақдирда тегишли номинациялар сони камайтирилиши ёки берилмай қолдирилиши мумкин.

4. Мукофотни беришда энг аввало Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятидаги фаол иштирокига, шунингдек, ёшлар фаолият кўрсатаётган соҳадан келиб чиқиб, йил давомидаги иш самарадорлиги, тизим ёки соҳани ривожлантиришга кўшган шахсий хиссаси, ўз соҳасига киритган инновацияси, фаолияти орқали давлат ва жамият ҳаётига келтирган амалий фойдаси, шунингдек меҳнатсеварлиги, фидойилиги, интизоми, иқтидори, жамоат ишларидаги фаоллиги, давлат ва халқаро миқёсда эришган ютуқлари соҳа вакиллари, кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилганлигига эътибор қаратилади.

5. Мукофот Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳамда мамлакатимиз ривожига йўлида жонбозлик кўрсатаётган чет эл фуқароларига берилади.

6. Мукофот илгари бошқа мукофотлар билан тақдирланган ёшларга ҳам берилиши мумкин.

7. Мукофотга номзодлар вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳудудий Кенгаш раислари томонидан тавсияномалар ва номзод фаолиятига оид ҳужжатлар тақдим этилади.

8. Мукофотга талабгорлар бўйича тавсияномалар қабул қилиш бошланиши тўғрисидаги билдириш мукофотлар бериладиган муддатдан икки ой олдин республика оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади ҳамда ҳужжатлар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши томонидан бир ой давомида қабул қилинади.

Ҳужжатлар тўплами тўлиқ ва белгиланган тартибда тақдим этилмаган ҳамда ҳужжатларни қабул қилиш муддатидан ўтиб тақдим этилган тақдирда номзоднинг ҳужжатлари қабул қилинмайди.

9. Мукофотга тавсия этилган номзодларнинг ҳужжатлари ўн беш кун муддатда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши аппаратининг бўлимлари ҳамда Иттифоқ муассислигидаги тегишли ташкилотларнинг масъул ходимларидан иборат Экспертлар комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) томонидан соҳаларга оид шўъбаларга бўлинган ҳолда кўриб чиқилади, муҳокама қилинади, экспертизадан ўтказилади ҳамда ҳулосалар асосида ҳар бир номинация бўйича энг муносиб номзодларни аниқлайди.

Комиссия ҳулосасига кўра номинациялар бўйича ғолиблар Комиссиянинг мажлиси қарорига мувофиқ тасдиқланади.

10. Комиссия мажлиси қарори якуний ҳулоса ҳисобланади ва муҳокама қилинмайди.

11. Мукофот совриндорларига Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган энг кам иш ҳақининг 30 (ўттиз) баравари миқдорида пул мукофоти, статуетка ва махсус диплом топширилади.

12. Мукофот совриндорлари ҳар йили декабрь ойида тантанали вазиятда тақдирланади.